

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 12 » сентябрь 2019 у.

№ 765

Toshkent sh.

**Суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПК-4146-сон қарорига мувофиқ ҳамда банкротлик таомилларини амалга оширишда суд бошқарувчилари фаолиятининг зарур норматив-ҳуқуқий базасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун талабгорларни ўқитиш а суд бошқарувчилари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги банкротликнинг соддалаштирилган тартиботларини амалга оширишда суд бошқарувчиларига мукофотлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестиция ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Я.Хайдаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 12 сентябрдаги
765-сон қарорига
1-илова

**Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан (қайта аттестациядан)
ўтказиш ва малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ суд бошқарувчиларига қўйиладиган профессионал ва малака талабларини, суд бошқарувчилари ваколатларини, шунингдек, суд бошқарувчисига мукофот тўлаш ва малака аттестатини бериш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган фуқароси суд бошқарувчиси ҳисобланади ва у иқтисодий суд томонидан суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда:

кузатув тартиботини жорий этишда – кредитор (кредиторлар) томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади. Вақтинча бошқарувчи номзоди кредитор (кредиторлар) томонидан таклиф этилмаган тақдирда, у Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ёки унинг ҳудудий бошқармаси ёхуд Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) ёки унинг ҳудудий бўлини маси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади;

суд санацияси тартиботини амалга оширишда – кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлаган шахслар ёки Агентлик ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади;

ташқи бошқарув ва тугатиш ишлари тартиботларини амалга оширишда – кредиторлар йиғилиши ёки Агентлик ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан тайинланади.

3. Суд санацияси ёки ташқи бошқарув ёхуд тугатиш ишлари тартиботларини амалга оширишда вақтинча бошқарувчи ваколатини амалга оширувчи шахс номзоди суд бошқарувчиси сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

4. Ассоциация Агентлик томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолайди ва суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлайди.

5. Иқтисодий суд банкротлик тартиботидан келиб чиқиб, қуйидаги суд бошқарувчиларини тайинлайди:

кузатув тартиботини амалга ошириш учун – вақтинча бошқарувчи;

суд санацияси тартиботини амалга ошириш учун – санация бошқарувчиси;
ташқи бошқарув тартиботини амалга ошириш учун – ташқи бошқарувчи;
тугатиш ишлари тартиботини амалга ошириш учун – тугатиш бошқарувчиси.

6. Мустақиллик, объективлик ва холислик суд бошқарувчиси фаолиятининг асосий тартиботлари ҳисобланади.

7. Суд бошқарувчиси:

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
бухгалтерия ҳисоби, мол-мулкни баҳолаш ва менежментга оид билимлар асосига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосларини билиши;

қарздорни молиявий соғломлаштириш ва кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш ечимларини топиши;

банкротлик соҳасида профессионал билимларга эга бўлиши, уларни доимий равишда такомиллаштириши;

юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши – топширилган ишга виждонан муносабатда бўлиши, ўз фаолиятини амалга оширишда ижрочи, ташаббускор, интизомли, босик, эмоционал ва руҳий барқарор бўлиши зарур.

8. Суд бошқарувчиси банкротлик тўғрисидаги жараён давомида қарздор ва кредиторларга нисбатан бетараф бўлиши лозим.

9. Суд бошқарувчиси ўз вазифаларини бажаришда қарздор ва кредиторлар билан меҳнат муносабатларида, шунингдек, уларнинг мулкдорлари ва мансабдор шахслари билан мулкӣ ва бошқа манфаатларга эга бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Суд бошқарувчиларига қўйиладиган профессионал ва малака талаблари

10. Суд бошқарувчиси қуйидаги асосий малака талабларига мос келиши зарур:
олий маълумотли бўлиши;

камида икки йил меҳнат стажига эга бўлиши;

Агентликда аттестациядан ўтиши.

11. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган асосий талаблардан ташқари суд бошқарувчиларига қуйидаги қўшимча малака талаблари қўйилади:

кузатиш ва тугатиш ишлари тартиботларини амалга оширувчиларга – ўрта бўғин раҳбари (цех бошлиғи, участка бошлиғи, бўлим бошлиғи ва бошқалар) сифатида икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш ёхуд тўртинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида йигирма тўрт ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш;

суд санацияси тартиботларини амалга оширувчиларга – раҳбарлик лавозимида (ташкilotнинг раҳбари, раҳбар ўринбосари, бош бухгалтери ва бошқалар) икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига ёхуд учинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида ўн икки ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш;

ташки бошқарув тартиботларини амалга оширувчиларга – ўрта бўгин раҳбари сифатида ва раҳбарлик лавозимида беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига, шу жумладан раҳбарлик лавозимида уч йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига ёхуд иккинчи тоифадаги суд бошқарувчиси бўлиб ишлаган даврда камида икки марта суд санацияси ва (ёки) тугатишга доир ишларни юритиш тартиботларини амалга оширишда суд бошқарувчиси сифатида меҳнат стажига эга бўлиш;

банкротликнинг соддалаштирилган тартиботини амалга оширувчиларга – икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш.

12. “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ суд бошқарувчиси сифатидаги фаолиятни амалга оширишга чекловлар мавжуд бўлган шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланиши мумкин эмас.

3-боб. Суд бошқарувчисига мукофотлар тўлаш тартиби

13. Суд бошқарувчисига ўз вазифаларини бажариши учун мукофот тўлаш миқдори кредиторлар йигилиши (кредиторлар қўмитаси) томонидан белгиланади ва иқтисодий суд томонидан тасдиқланади. Суд бошқарувчисига мукофот “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда қарздор мол-мулки ҳисобидан тўланади.

14. Давлат солиқ инспекциясининг қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан банкрот деб топилган хўжалик юритувчи субъектнинг суд бошқарувчисига қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорига мувофиқ ҳар бир якунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг (Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети) тегишли бюджети маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг етти баробари миқдорида мукофот тўланади.

Давлат солиқ инспекциясининг қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан банкрот деб топилган хўжалик юритувчи субъектнинг суд бошқарувчисига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қопланган қарздорлик суммасининг беш фоизи миқдорида (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисобварағидаги маблағлар бундан мустасно) қўшимча мукофот тўланади.

15. Суд бошқарувчиси корхонаини тугатиш ишлари якунланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни (иқтисодий суднинг ажрими ва корхона юридик шахслар давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотнома) қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

16. Қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекцияси тугатиш ишлари якунланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олган кундан бошлаб уч кун муддатда тегишли қарорини суд бошқарувчисини хабардор этган ҳолда ҳудудий молия органига юборади.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг ҳудудий бўлинмаси қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорини олган кундан бошлаб етти иш кунидан кечикмасдан суд бошқарувчисини хабардор этган ҳолда, суд бошқарувчисига мукофот тўлаш учун пул маблағларини Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмасининг банкдаги махсус ҳисобрақамига ўтказди.

Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаси уч кун муддатда суд бошқарувчисига мукофотни қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаси тушган пул маблағларини мақсадли ишлатиш, шунингдек, тушган пул маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслик учун масъулдир.

18. Ҳудудий молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли мурожаатлари асосида суд бошқарувчисига мукофот тўлаш учун мақсадли бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тегишли қуйи бюджетга юзага келадиган бюджетлараро муносабатлар тартибга солинган ҳолда белгиланган тартибда ўтказилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ҳудудий молия органлари ва Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмалари суд бошқарувчисига ҳар бир яқунланган тугатишга доир иш учун мукофот тўлаш бўйича давлат ҳисобига ўтказилган харажатлар қопланиши учун масъулдир.

20. Иқтисодий суд томонидан банкротликнинг соддалаштирилган тартиботи тугатилганда, ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ назарда тутилган мукофот тўланмайди.

21. Кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) қарорига асосан суд бошқарувчисига унинг иш фаолияти натижаси бўйича қўшимча мукофот белгиланиши мумкин.

Банкротликнинг соддалаштирилган тартиботини амалга оширишда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик қопланганда, суд бошқарувчисига ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган тартибда қопланган қарз суммасининг беш фоизи миқдорида қўшимча мукофот тўланади.

4-боб. Суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш

22. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари суд бошқарувчиси томонидан ўз вазифаларига риоя этилишини назорат қилади.

23. Агентлик ўз ваколатлари доирасида:

суд бошқарувчиси фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ текшириш;

текширишлар ўтказишда пайдо бўладиган масалалар юзасидан суд бошқарувчисидан зарур тушунтиришлар ва материалларни сўраш;

текширишлар натижаларига асосида аниқланган қонун бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

суд бошқарувчисига аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

суд бошқарувчисини огохлантириш;

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) ёки тўхтатиб туриш;

суд бошқарувчиси томонидан унга юқланган вазифаларнинг тегишли даражада бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

24. Суд бошқарувчиси Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан текширишлар ўтказиш учун шарт-шароитларни таъминлаши, шу жумладан зарур ахборот ва материалларни тақдим этиши шарт.

Суд бошқарувчиси унинг фаолиятини текшириш жараёнида Ассоциация ёки унинг ҳудудий бўлинмаси ходими кузатувчи сифатида ишгирок этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

25. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида:

қарздорнинг банкротлиги жараёнлари мониторингини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси фаолиятини текширади;

қарздорнинг банкротлиги жараёнлари ҳақида керакли бўлган маълумот ва материалларни суд бошқарувчисидан сўраб олади;

текширишлар натижалари асосида аниқланган қонун бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатнома тузади ва Суд бошқарувчилари аттестация комиссиясига (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) кўриб чиқиш учун киритади;

суд бошқарувчиси томонидан унга юкланган вазифаларнинг тегишли даражада бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

**5-боб. Талабгорларнинг суд бошқарувчиси аттестатини олиш
(қайта аттестациядан ўтиш) тўғрисидаги аризаларини
кўриб чиқиш тартиби**

26. Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни аттестациядан ўтказиш ва суд бошқарувчиларини қайта аттестациядан ўтказиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

27. Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) аттестациядан ўтказиш ва суд бошқарувчиларини қайта аттестациядан ўтказиш суд бошқарувчисига қўйилган профессионал ва малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

28. Суд бошқарувчиси сифатидаги фаолият Агентлик томонидан қуйидаги тўрт тоифага мувофиқ берилган аттестат асосида амалга оширилади:

юридик шахслар банкротлигининг соддалаштирилган тартиботларини амалга ошириш учун – тўртинчи тоифадаги аттестат;

кузатув, тугатиш ишлари тартиботи ва соддалаштирилган тартиботларни амалга ошириш учун – учинчи тоифадаги аттестат;

кузатув, суд санацияси, тугатиш ишлари тартиботи ва соддалаштирилган тартиботларни амалга ошириш учун – иккинчи тоифадаги аттестат;

кузатув, суд санацияси, ташки бошқарув, тугатиш ишлари тартиботи ва банкротлигининг соддалаштирилган тартиботларини амалга ошириш учун – биринчи тоифадаги аттестат.

29. Барча тоифадаги аттестатларнинг амал қилиш муддати 5 йилни ташкил қилади.

30. Аттестат олиш учун талабгор Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича анкета;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномасининг нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

тегишли тоифадаги суд бошқарувчилари дастури бўйича ўқиганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (аттестатнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан аттестациядан ўтиш шарт эмас);

ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тегишли давлат органининг судланганликни бекор бўлиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши тўғрисидаги маълумотномаси;

паспорт нусхаси.

31. Иккинчи тоифадаги аттестатни олиш учун раҳбарлик лавозимида камида икки йиллик иш стажга эга бўлмаган тақдирда, ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари Агентликка иқтисодий суднинг:

суд бошқарувчиси сифатида аввалги тайинланишлар тўғрисидаги;

учинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида камида ўн икки ой вазифаларни ижро этганлигини тасдиқловчи банкротлик тартиботлари амалга оширилгани ҳақида суд бошқарувчисининг ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлари нусхалари тақдим этилади.

32. Талабгорнинг ўрта бўғин раҳбари сифатида ва раҳбарлик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стаж, шундан раҳбарлик лавозимида камида уч йиллик меҳнат стаж мавжуд бўлмаганда, биринчи тоифадаги аттестатни олиш учун ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари Агентликка иқтисодий суднинг:

суд бошқарувчиси сифатида аввалги тайинланишлар тўғрисидаги;

суд бошқарувчисининг ҳисоботларини тасдиқлаш ҳақида, иккинчи тоифадаги суд бошқарувчиси сифатида ишлаган даврда камида иккита суд санацияси ва (ёки) тугатиш ишлари тартиботлари яқунлангани тўғрисидаги ажримларининг нусхалари тақдим этилади.

33. Аризани кўриб чиқишда операция харажатларини қоплайдиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳақ ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги ва аттестат берилганлиги учун тўлов Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тушади.

34. Аттестат олиш учун тақдим этилган барча ҳужжатлар Аттестация комиссияси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади ва рўйхат нусхаси аттестат талабгорига берилади. Тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди. Иқтисодий судлар ажримларидан ташқари, ҳужжатлар нусхалари нотариус томонидан тасдиқланиши ёки асл нусха билан биргаликда кўрсатилиши керак.

35. Ҳужжатлар Аттестация комиссиясига топширилган вақтдан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

Аттестация комиссияси талабгорни аттестацияга қўйишни рад этишга ҳақлидир ва унга ариза тушган вақтдан бошлаб уч иш кунидан кечикмай ёзма равишда асосланган рад жавобини жўнатади.

Қуйидагилар рад этиш учун асос ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатларнинг зарур даражада расмийлаштирилмаганлиги ёки ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

талабгор тақдим этган ҳужжатларда ишончсиз ва бузиб кўрсатилган ахборотнинг мавжудлиги;

талабгорнинг малака ва профессионал талабларга мувофиқ эмаслиги.

Бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Рад этилган тақдирда, ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов қайтарилмайди.

6-боб. Аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва аттестат бериш тартиби

36. Талабгорга тақдим этилган ҳужжатлар бўйича камчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, аттестациядан ўтишга рухсат этилади.

37. Талабгор аттестат олиш учун Аттестация комиссияси томонидан белгиланган махсус дастур бўйича ва муддатларда тест имтиҳони топширади.

38. Аттестация (қайта аттестация) ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечикмай имтиҳон шаклида ўтказилади.

39. Аттестация комиссияси раиси аттестат талабгорларидан тушган аризаларга мувофиқ имтиҳонларни ўтказиш санасини белгилайди ва талабгорлар бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилади.

40. Имтиҳон компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда, талабгори танлаган тилда элликта тест саволларига жавоб бериш шаклида ўтказилади ва жавоблар учун талабгорга бир соат вақт ажратилади.

41. Тест саволларива жавоблар вариантлари Ассоциация таклифларини ҳисобга олган ҳолда, Агентлик томонидан суд бошқарувчиларини ўқитиш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган махсус ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволларининг мазмуни ва жавоблар вариантлари банкротлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади.

42. Имтиҳон топшириш вақтида Аттестация комиссиясининг камида икки аъзоси кузатувчи сифатида иштирок этади.

43. Имтиҳон топшириш вақтида талабгорларга:

қонун ҳужжатлари, йўриқнома материаллар, маълумотнома ва махсус адабиётдан фойдаланиш;

мобиль телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан гаплашиш;

хонадан чиқиш (хонадан чиққан шахсларнинг қайтиб киришига йўл қўйилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва тест имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

Бегона шахсларнинг малака имтиҳонида иштирок этишига рухсат берилмайди.

44. Имтиҳон якунлангандан кейин талабгор натижалар билан танишиб, кузатувчилар билан биргаликда имтиҳон натижалари бланкасини имзолайди.

45. Агар аттестат талабгори имтиҳон натижаларидан норози бўлса ёки натижалар бланкасини имзоламаса, бланка аттестация комиссиясининг иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади. Аттестация комиссиясининг иштирок этган аъзолари томонидан имзоланган натижалар бланкаси имтиҳони натижаларини қайд этиш учун асос ҳисобланади.

46. Имтиҳон якунлари бўйича талабгор олинган натижалар асосида аттестациядан ўтган ёки аттестациядан ўтмаган деб тан олинади.

47. Имтиҳон натижалари Аттестация комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва раиси томонидан тасдиқланади.

48. Талабгорни аттестациядан ўтгани ҳақида Аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма шаклидаги қарор талабгорга аттестация ўтказилган санадан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмасдан қуйидаги имтиҳон натижаларига асосан етказилади:

тўртинчи тоифадаги аттестат учун – тўғри жавобларнинг камида 50 фоизи, учинчи тоифадаги аттестат учун – 60 фоиз, иккинчи тоифадаги аттестат учун - 70 фоиз, биринчи тоифадаги аттестат учун - 75 фоиз.

49. Имтиҳон давомида унинг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш мақсадида имтиҳон он-лайн режимида намоиш этилади ва узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ҳамда Агентликда уч йил мобайнида сақланади.

50. Аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахс охириги аттестация ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан сўнг имтиҳонини қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Аттестация комиссияси аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахс имтиҳонни қайта топшириш кунини белгилайди. Илгари аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахс имтиҳонни қайта топшириш натижаларига кўра аттестациядан ўтган деб ҳисобланган тақдирда, унга аттестат умумий асосларда берилади.

Имтиҳонни қайта топширишда ҳақ ундирилмайди.

51. Имтиҳонни қайта топшириш якунларига кўра, шахс аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда, шунингдек, Агентлик қарорига биноан суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиш муддати тўхтатилганда, талабгор навбатдаги имтиҳонга фақат тегишли тоифадаги суд бошқарувчилари дастури бўйича ўқув курсида белгиланган тартибда такроран ўқигандан кейин қўйилади.

52. Талабгор имтиҳон натижалари юзасидан охириги имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб бир ой мобайнида апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Талабгорнинг тест имтиҳони натижаларидан рози эмаслиги апелляция беришга асос бўлиши мумкин.

53. Талабгор асосли эътирозлари баён қилинган апелляцияни Аттестация комиссияси раиси номига беради. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у берилган кундан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак. Апелляцияни кўриб чиқиш натижаси баённома билан расмийлаштирилади.

Апелляцияни қайта беришга йўл қўйилмайди.

54. Талабгор Аттестация комиссияси қароридан рози бўлмаган тақдирда, унинг қарори юзасидан суд тартибда шикоят қилиши мумкин.

55. Аттестатлар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади. Аттестат имтиҳон ўтказилган санадан бошлаб ўн кун муддатда берилади.

56. Аттестатлар бланки қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлади. Бланкаларни сотиб олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш Агентлик томонидан амалга оширилади.

7-боб. Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартиби

57. Агентлик Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) юритади.

Реестр қуйидаги шаклларда юритилади:

қоғозли манбаларда (Агентликнинг тикилган ва муҳрланган журналлари шаклида, тикилган саҳифалар миқдори кўрсатилган ҳолда);

маълумотлар базаси шаклида электрон манбаларда.

Қоғоз ва электрон манбалардаги маълумотлар мос келмаган тақдирда, қоғоз манбадаги ёзувларга устунликка эга бўлади.

58. Аттестациядан ўтказилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журнали қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади ва Агентликда сақланади.

Аттестациядан ўтказилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журналида ва Реестрда суд бошқарувчилари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

яшаш жойи ва паспорт маълумотлари;

аттестат берилган жой, унинг тартиб рақами, санаси ва амал қилишининг тугаш муддати;

аттестат бланкасининг тартиб рақами;

аттестат олинган сана ва уни олган шахснинг имзоси (аттестациядан ўтказилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журналида);

суд бошқарувчиларининг махсус ўқув дастури бўйича ўқиганлиги ҳақида маълумот;

суд бошқарувчиси сифатида тайинланганлиги ва фаолияти натижалари тўғрисида маълумот;

аттестатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тиклаш, узайтириш ёки тўхтатиш (бекор қилиш) ҳамда дубликат бериш асослари ҳамда санаси;

суд бошқарувчисини Реестрдан чиқариш асоси ва санаси;

аттестациядан ўтказувчи орган зарур деб ҳисоблайдиган бошқа қўшимча маълумотлар.

59. Суд бошқарувчиси Реестрга тегишли ўзувларни қайд қилиш йўли билан киритилади.

60. Реестр ҳақидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

61. Суд бошқарувчиси Реестрдан ушбу Низомда назарда тутилган асослар бўйича аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида Агентликнинг қарори асосида чиқарилади.

62. Агентлик томонидан суд бошқарувчисини Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида Реестрда тегишли ўзув қайд қилинади.

63. Суд бошқарувчисининг Реестрдан чиқарилган ҳужжатларини сақлаш муддати чиқарилган кундан бошлаб камида беш йил бўлиши зарур.

8-боб. Аттестация комиссиясининг иш тартиби

64. Аттестация комиссияси талабгорларни аттестациядан ва суд бошқарувчиларини қайта аттестациядан ўтказадиган коллегиял орган ҳисобланади.

Аттестация комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

65. Аттестация комиссиясининг мажлислари зарурат бўлганда ўтказилади. Аттестация комиссияси котиби Аттестация комиссиясининг котиби комиссия мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

66. Аттестация комиссиясининг мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ўтказилади.

67. Аттестация комиссиясининг қарорлари Аттестация комиссияси мажлисида қатнашадиган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аттестация комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

68. Аттестация комиссиясининг навбатдаги мажлисини ўтказиш (санаси, жойи ва вақти) тўғрисида Аттестация комиссияси аъзоларига комиссияси котиби томонидан хабар берилади.

9-боб. Аттестатларни қайта расмийлаштириш ва аттестат дубликатларини бериш тартиби

69. Аттестат суд бошқарувчисининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда унинг аризаси асосида қайта расмийлаштирилади.

Аттестатни қайта расмийлаштирганлик учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Аттестатни қайта расмийлаштириш даврида унинг эгаси ўз фаолиятини Агентлик томонидан аввал берилган аттестат асосида амалга оширади.

70. Суд бошқарувчиси аввал берилган аттестатда кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги муносабати билан аттестатни қайта расмийлаштириш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

аттестатни қайта расмийлаштириш учун ариза;

малака аттестатининг асл нусхаси;

фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгартирилганлиги муносабати билан туғилганлик тўғрисида қайд қилиш ҳужжатларидаги ўзгартириш ва тузатишлар ҳақида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг маълумотномаси;

аттестатни қайта расмийлаштириш учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

71. Аттестат қайта расмийлаштиришда тегишли тоифа ва унинг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда, аттестатнинг янги бланкаси берилади. Аввал берилган аттестат бланкаси йўқ қилинади.

72. Аттестат йўқолган тақдирда, унинг эгаси Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

аттестат дубликати бериш тўғрисида ариза, унда аввал берилган аттестатнинг йўқолиши сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилади;

йўқолган аттестатнинг бекор қилинганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги (аризачининг маблағлари ҳисобидан) эълоннинг нусхаси;

аттестат дубликатини бериш учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

73. Аттестат бланкаси яроқсиз бўлиб қолган тақдирда, унинг эгаси Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

аттестат дубликатини бериш тўғрисида ариза, унда аввал берилган аттестат яроқсиз бўлиб қолганлигининг сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилади;

аттестат дубликатини бериш учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

аввал берилган аттестатнинг яроқсиз бўлиб қолган бланкаси.

74. Аттестат дубликати суд бошқарувчисига аттестат амал қилишининг аввал белгиланган муддатикўрсатилиб ва “ДУБЛИКАТ” ёзуви ёзилган ҳолда берилади. Дубликат берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади. Аттестат йўқолганда ёки яроқсиз бўлиб қолганда,

унинг эгаси ўз фаолиятини Аттестация комиссияси томонидан бериладиган вақтинча рухсатнома асосида амалга ошириши мумкин.

75. Аттестатни қайта расмийлаштириш ёки дубликатини бериш Агентлик томонидан тегишли ариза олинган вақтдан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

76. Аввал берилган аттестатнинг яроксиз бўлиб қолган бланкаси дубликат берилгандан кейин йўқ қилинади.

77. Аттестат дубликати олингандан кейин аттестатнинг аввалги йўқолган асл нусхаси топилган тақдирда, суд бошқарувчиси ушбу ҳолат рўй бергандан кейин беш кундан кечикмасдан Агентликка аттестатнинг асл нусхасини йўқ қилиш учун қайтариши керак.

78. Аттестатни қайта расмийлаштириш ва дубликатини олиш учун аттестациядан ўтиш талаб этилмайди.

Аттестат дубликати олиш учун зарур ҳужжатлар тегишли даражада расмийлаштирилмаган тақдирда, талабгорга ариза берилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида дубликатни бериш ёзма равишда рад этилади.

10-боб. Аттестатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш (бекор қилиш)

79. Агентлик суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

80. Агентлик аттестатнинг амал қилишини қуйидаги асосларга кўра тўхтатиб туришга ҳақлидир:

аттестат олингандан кейин аттестация учун аввал тақдим этилган ҳужжатларда маълумотларнинг нотўғри кўрсатилганлиги аниқланганда;

банкротлик тартиботларида катнашувчи суд бошқарувчиси мажбуриятлари тегишли даражада бажарилмаганда;

суд бошқарувчиси томонидан Агентликнинг аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмалари ёки фармойишларини тегишли даражада бажарилмаганда;

суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда;

суд қарори асосида.

81. Агентлик суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилиши тўғрисида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва иктисодий судни ёзма равишда хабардор қилади ва бир вақтнинг ўзида иктисодий судга аттестатининг амал қилиши тўхтатиб турилган суд бошқарувчисининг ўрнига номзодни тақдим этади.

82. Агентлик иктисодий суд томонидан янги тайинланган суд бошқарувчисига аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради.

83. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда суд бошқарувчисининг аттестатини тиклаш мақсадга

мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида Аттестация комиссиясига кўриб чиқиш учун таклиф киритади.

84. Аттестация комиссиясининг қарори суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тиклаш ёки тўхтатишга (бекор қилишга) асос бўлади.

85. Агентлик аттестатнинг амал қилишини қуйидаги асосларга кўра тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақлидир:

аттестат олинганидан кейин аввал аттестацияга тақдим этилган ҳужжатларда ахборотни бузиш ҳолатлари аниқланганда;

қонун ҳужжатларининг бир неча марта (бир мартадан кўп) бузилиш ҳолатлари аниқланганда;

Агентликнинг аниқланган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги кўрсатма ёки фармойишлари бажарилмаганда ёки тегишли даражада бажарилмаганда;

суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қўпол равишда бузилиши аниқланганда. Суд бошқарувчисининг кредитор ёки қарздор манфаатларига зарар етказган ҳаракатлари қонун ҳужжатларининг қўпол бузилиши ҳолатларига киради;

суд бошқарувчисининг аризасига кўра;

суд қарори асосида.

86. Агентлик аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб уч кун муддатда ушбу қарор тўғрисида суд бошқарувчисига ва иқтисодий судга тасдиқловчи асослар билан ёзма равишда хабар қилади.

Талабгор Агентлик томонидан аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч йил давомида имтиҳонни қайта топширишга қўйилмайди, ушбу Низомнинг 85-банди олтинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

87. Амал қилиши тўхтатиб турилган ва тўхтатилган (бекор қилинган) аттестатлар тўғрисидаги маълумотлар Агентлик томонидан Реестрга киритилади.

88. Агентлик қуйидаги ҳолларда суд бошқарувчисини Аттестация комиссиясининг қарорига асосан вазифаларини бажаришдан озод этиш тўғрисида иқтисодий судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга:

банкротлик тартиботини амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта қўпол бузилганда;

аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича Аттестация комиссиясининг қарори (кўрсатмаси) белгиланган муддатда бажарилмаганда;

аттестатнинг амал қилиши тўхтатиб қўйилганда ёки бекор қилинганда;

банкротлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ суд бошқарувчиси зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаганда ёки тегишли даражада бажармаганлиги сабабли қарздор ёки унинг кредиторларга зарар етказилганда;

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ шахсни суд бошқарувчиси этиб тайинлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

89. Агентлик қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

90. Суд бошқарувчиларининг фаолияти “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

91. Суд бошқарувчисининг профессионал фаолияти, унинг кредитор ва қарздор билан муносабатларидаги келишмовчиликлар иктисодий суд томонидан ҳал этилади.

92. Ушбу Низомни қўллашда келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

93. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Суд бошқарувчилари, уларни
аттестациядан (қайта аттестациядан)
ўтказиш ва малака аттестатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни аттестациядан ўтказиш ва суд бошқарувчиларини
қайта аттестациядан ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Механизм	Муддат
1-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Аттестация комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш.	Низом қабул қилингандан сўнг
2-босқич	Талабгор, Суд бошқарувчиси	Давлат активларини бошқариш агентлигига аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтиш тўғрисида ариза ва тегишли ҳужжатлар билан мурожаат этиш.	Гувоҳнома олгандан кейин ёки аттестатнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг
3-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Талабгорларнинг суд бошқарувчиларига қўйилган профессионал ва малака талабларига мос келишини аниқлаш.	Уч иш куни давомида
4-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Талабгорларнинг тақдим этилган ҳужжатларда камчилик бўлмаган тақдирда, аттестациядан ўтказишга рухсат бериш.	Уч иш куни давомида
5-босқич	Аттестация комиссияси	Аттестациядан ўтказишни рад этиш ва бу ҳақда талабгорга тегишли хат жўнатиш.	Ариза тушган вақтдан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан
6-босқич	Аттестация комиссияси	Имтиҳон ўтказиш.	Ҳужжат топширилган санадан ўттиз кундан кечикмасдан
7-босқич	Талабгор, Суд бошқарувчиси	Имтиҳон натижалари билан танишиш ва имтиҳон бланкасини имзолаш.	Аттестация ўтказиладиган санада
8-босқич	Аттестация комиссияси	Имтиҳон якунларига кўра, аттестат талабгорини аттестациядан ўтган ёки аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш.	Аттестация ўтказиладиган санада

Босқич	Субъектлар	Механизм	Муддат
9-босқич	Аттестация комиссияси	Аттестация қарорини қуйидаги имтихон натижаларига кўра қабул қилиш: тўртинчи тоифадаги аттестат учун - камида 50 фоиз тўғри жавоб олиш; учинчи тоифадаги аттестат учун – 60 фоиз; иккинчи тоифадаги аттестат учун - 70 фоиз; биринчи тоифадаги аттестат учун - 75 фоиз. Аттестация комиссияси қарорини талабгорга етказиш.	Аттестация ўтказилган санадан бошлаб беш иш кундан кечикмасдан
10-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Имтихон натижаларига асосан тегишли тоифадаги аттестатни бериш.	Аттестация ўтказилган санадан бошлаб ўн кун муддатда
11-босқич	Талабгор	Талабгор аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилганда, унга имтихонни қайта топширишга рухсат бериш.	Охириги аттестация ўтказилган кундан бошлаб бир ой давомида
12-босқич	Аттестация комиссияси	Имтихонни қайта топшириш натижаларига кўра, талабгор аттестациядан ўтган деб эътироф этилганда унга умумий асосларда аттестат бериш.	Аттестация ўтказилган санадан бошлаб ўн кун давомида
13-босқич	Аттестация комиссияси	Имтихонни қайта топшириш якунларига кўра, талабгор аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда, унга навбатдаги имтихонни топширишга фақат тегишли тоифадаги суд бошқарувчилари дастури бўйича ўқув курсида ўқигандан сўнг белгиланган тартибда рухсат этилади.	Аттестация ўтказиладиган кунда
14-босқич	Давлат активларини бошқариш агентлиги	Суд бошқарувчисини Суд бошқарувчилари реестрига киритиш.	Аттестат бериладиган кунда
15-босқич	Талабгор	Талабгор имтихон натижаларидан норози бўлганда, Аттестация комиссияси раиси номига шикоят бериш ҳуқуқига эга.	Охириги имтихон ўтказилган кундан бошлаб бир ой давомида
16-босқич	Талабгор	Талабгор Аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда, қарор юзасидан суд тартибда шикоят бериши мумкин.	Зарур бўлганда

Суд бошқарувчилари, уларни
аттестациядан (кайта аттестациядан)
ўтказиш ва малака аттестатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорнинг АНКЕТАСИ

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____

2. Тугилган йили, куни, ойи _____

3. Паспорт маълумотлари (серияси, тартиб раками, берилган
вакти, ким томонидан берилган _____

4. Яшаш жойи: _____ вилояти, _____ шаҳри,
_____ кўчаси, _____ уй, _____ квартира
телефони _____ факси _____

5. Маълумоти _____
(Ўқув муассасининг номи кўрсатилган ҳолда)

мутахассислиги _____ тугатган йили _____

6. Меҳнат фаолияти:

Йил ва ой		Лавозими, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда	Ташкилот жойлашган жой
ишга кирган вакти	ишдан кетган вакти		

7. Суд бошқарувчиси сифатида меҳнат фаолияти:

Йил ва ой		Лавозимга тайинланиши, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда	Ташкилот жойлашган жой
тайинланган вакти	бўшатилган вакти		

Тўлдирилган сана _____ Шахсий имзоси _____

Суд бошқарувчилари, уларни
аттестациядан (қайта аттестациядан)
ўтказиш ва малака аттестатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири

№ 000000

Серия АА

(намуна)
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ

_____ тоифали
СУД БОШҚАРУВЧИСИНИНГ АТТЕСТАТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг суд
бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш комиссиясининг 200 ____ йил _____ да
ўтказилган тест имтиҳонлари асосидаги қарорига биноан

_____ га

(фамилияси, исми, отасининг исми)

“СУД БОШҚАРУВЧИСИ” малакаси берилди.

Ушбу аттестат унинг эгасини:

_____ сифатида

тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Аттестат 200 ____ йил _____ гача амал қилади.

Мухр ўрни _____ Аттестат 200 ____ йил _____ да берилган.

Аттестация комиссиясининг раиси _____
(Ф.И.О, имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 12 сентябрдаги
765-сон қарорига
2-илова

**Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун талабгорларни ўқитиш
ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш тартиби тўғрисида
Низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини оширишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

суд бошқарувчисининг аттестати – суд бошқарувчиларига қўйиладиган малака ва профессионал талабларга мос келиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигида (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) аттестациядан ўтганликни тасдиқловчи ҳужжат;

суд бошқарувчиси (вақтинча бошқарувчи, санация бошқарувчиси, ташқи бошқарувчи, тугатиш ишлари бошқарувчиси) – банкротлик таомилларини ўтказиш учун иқтисодий суд томонидан тайинланадиган шахс;

талабгор – гувоҳнома олиш учун ўқув курсида ўқийдиган шахс;

гувоҳнома – тасдиқланган махсус ўқув курсига мувофиқ суд бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича махсус курсларда ўқиганликни тасдиқловчи ва суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун асос бўладиган ҳужжат;

махсус дастур – талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш бўйича ўқув дастури;

сертификат – суд бошқарувчиси малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**2-боб. Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун талабгорларнинг
аризаларини кўриб чиқиш тартиби**

3. Талабгор суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун камида икки йиллик иш стажига ва олий маълумотга эга бўлиши лозим.

4. Талабгор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига (кейинги ўринларда Олий мактаб деб аталади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

паспорт нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни нонострификациялаш (эквивалентлигини кайд этиш) гувоҳномасининг нусхаси;

мутахассислиги бўйича камида икки йиллик меҳнат стажини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасидан нусха ёки “Электрон меҳнат дафтарчаси” тизимидан кўчирма;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 2 дона фотосурат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5. Талабгор томонидан мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар Олий мактабга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали уларнинг олинганлигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади.

6. Олий мактаб талабгорнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб уч иш куни давомида ўқишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабгорга ўқишга рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, тақдим этилган ҳужжатлар тегишли қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда қайтарилади.

7. Талабгорга қуйидаги асослар бўйича ўқишга рухсат берилмайди:

Талабгорнинг мазкур Низомнинг 3-банди талабларига мос келмаслиги;

мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда.

Бошқа асослар бўйича ўқишни рад этишга йўл қўйилмайди.

8. Ўқитиш белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширилади.

3-боб. Суд бошқарувчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларига қўйиладиган талаблар

9. Олий мактаб Ўзбекистон Суд бошқарувчилари ассоциацияси (кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) билан биргаликда тегишли ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этган ҳолда, талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш бўйича махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқади.

10. Махсус ўқув дастури Агентлик билан келишилади, Олий мактаб томонидан тасдиқланади ва Олий мактабнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

11. Суд бошқарувчиларини тайёрлаш тизимига қуйидагилар киради:

суд бошқарувчиларини қисқа муддатли курсларда тайёрлаш (100 ва ундан ортиқ ўқув соатлари);

суд бошқарувчиларини қайта тайёрлаш (малакасини ошириш) (30 ва ундан ортиқ ўқув соатлари);

суд бошқарувчиларининг ўқув дастурига мувофиқ стажировкаларини ўтказиш.

12. Ўқув дастури модуль принципи асосида амалга оширилиши ва бир нечта модульга (блоклар, қисмларга) бўлиниши мумкин. Ўқитишнинг модуль тизими турли модульлар мавзуларидан иборат алоҳида цикллар дастурларини шакллантириш имкониятини назарда тутди.

13. Ўқув дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва банкротлик соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини;

суд бошқарувчиси фаолиятининг амалиётини;

банкротлик тартиботларининг илғор хорижий амалиётини;

бухгалтерия ҳисоби асосларини;

корпоратив бошқарувни;

бошқа йўналишларни.

14. Олий мактаб Агентлик ва Ассоциация билан келишган ҳолда, талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини оширишни ташкил этиш бўйича ўқув дастурига тегишли таълим муасасаларини жалб этиш йўли билан қўшимчалар киритиши мумкин.

4-боб. Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш

15. Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

16. Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини оширишни ташкил этиш уларнинг банкротлик тартиботларини амалга ошириш ва банкротлик тўғрисидаги ишни судда қўриб чиқиш соҳасида билим олишига йўналтирилган.

17. Олий мактаб бошқа мутахассисларни, фуқаролик, иқтисодий ва бошқа қонунчилик соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахсларни, техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, ўқитиш, модерация учун майдончалар тақдим этиш, шунингдек, спикерлар ҳамда бошқа турдош хизмат кўрсатиш мақсадида бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда, талабгорларни ўқитади ва суд бошқарувчилари малакасини оширади.

18. Олий мактаб талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида сайёр ўқув курсларини ташкил этиши мумкин.

19. Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш соҳасида семинарлар, конференциялар, илмий ва амалий тадбирларни ўтказиш дастурлари Агентлик билан келишилади.

20. Суд бошқарувчиси ҳар икки йилда малакасини оширади ва унга тегишли сертификат берилади.

5-боб. Талабгорларнинг ўқиганлиги ва суд бошқарувчилари малакасини оширганлиги тўғрисида гувоҳнома ва (ёки) сертификатни расмийлаштириш ҳамда бериш тартиби

21. Талабгорларнинг ушбу Низомда белгиланган тартибда ўқиганлиги ва суд бошқарувчилари малакасини оширганлиги гувоҳнома ва (ёки) сертификат олишга асос бўлади.

22. Талабгорларнинг ўқиганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва суд бошқарувчилари малакасини оширганлиги ҳақидаги сертификат ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича махсус бланкаларда расмийлаштирилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эга бўлади.

23. Гувоҳнома ва (ёки) сертификат бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳнома ва (ёки) сертификат бланкалари Олий мактаб буюртмасига асосан “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида босма усулда тайёрланади.

24. Гувоҳнома ва (ёки) сертификат Олий мактаб томонидан ўқув курслари якунлангандан сўнг уч кунлик муддатда расмийлаштирилади ҳамда гувоҳнома ва (ёки) сертификат эгасига имзо қўйиш ёки бошқа шахсга нотариал тасдиқланган ишончнома асосида берилади.

25. Суд бошқарувчиси малака оширганлиги тўғрисида тегишли сертификатни олгандан сўнг беш кун ичида сертификат нусхасини ўзининг шахсий маълумотига тикиш учун Ассоциацияга тақдим этади.

26. Талабгорларнинг ўқиганлиги ва суд бошқарувчилари малакасини оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва (ёки) сертификат эгаси ўз фамилияси (исми, отасининг исми) ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, Олий мактабга гувоҳнома ва (ёки) сертификатни қайта расмийлаштириш учун уларнинг асл нусхаларини илова қилган ҳолда ариза беради.

27. Талабгорларнинг ўқиганлиги ва суд бошқарувчилари малакасини оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва (ёки) сертификат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, гувоҳнома ва (ёки) сертификат дубликати берилади.

6-боб. Якунловчи қондалар

28. Ушбу Низомни қўллашда келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун
талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга 1-илова

**Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддат
1-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби, Давлат активларини бошқариш агентлиги	Талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш бўйича махсус ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом қабул қилингандан сўнг
2-босқич	Талабгор ёки суд бошқарувчиси	Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига тегишли ҳужжатлар билан бирга ариза тақдим этиш.	Ўқишга қабул қилиш тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб
3-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби	Ўқув курсига рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Ариза қабул қилинган санадан бошлаб уч иш куни давомида
4-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби	Рухсат бериш рад этилганда, талабгорга тақдим этган ҳужжатлар қайтарилади.	Қарор қабул қилин санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан
5-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби	Талабгорларни ўқитиш.	100 ўқув соати давомида
6-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби	Ўқув курси якунлангандан сўнг талабгорга гувоҳнома бериш.	Уч кун муддатда
7-босқич	Талабгор	Аттестациядан ўтиш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига ариза бериш.	Гувоҳнома олгандан сўнг

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддат
8-босқич	Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби	Суд бошқарувчилари малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ўтказиш. Суд бошқарувчиси ҳар икки йилда малакасини оширади.	30 ўқув соати давомида
9-босқич	Суд бошқарувчиси	Ўқув курси якунлангандан сўнг суд бошқарувчисига сертификат бериш.	Уч кун муддатда
10-босқич	Суд бошқарувчиси	Сертификат нусхасини суд бошқарувчисининг шахсий маълумотига тикиш учун Ассоциацияга тақдим этиш.	Сертификат олгандан сўнг беш кун давомида

Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун
талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҚОШИДАГИ АБУ
РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ БИЗНЕС ВА БОШҚАРУВ
РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАКТАБИ**

ГУВОҲНОМА
(намуна)

№ 000000

Серия АА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(ўқув курси муддати ва ўзлаштирилган соатлар ҳажми)

суд бошқарувчиларини тайёрлаш йўналиши бўйича махсус курсларда
ўқиди.

Директор _____

(Ф.И.О, имзо)

М.Ў.

Рўйхатга олиш рақами _____

20 ____ йил “ ____ ” _____

Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун
талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҚОШИДАГИ АБУ
РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ БИЗНЕС ВА БОШҚАРУВ
РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАКТАБИ**

СЕРТИФИКАТ
(намуна)

№ 000000

Серия АА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(ўқув курси муддати ва ўзлаштирилган соатлар ҳажми)

**суд бошқарувчилари малакасини ошириш йўналиши бўйича ўқув
курсида ўқиди.**

Директор _____
(Ф.И.О, имзо)

М.Ў.

Рўйхатга олиш рақами _____
20 ____ йил “ ____ ” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 12 сентябрдаги
765-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 3-сон, 33-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 2-илованинг 39-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2010 йил 9 ноябрдаги 248-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 11-сон, 58-модда) илованинг 11-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2011 йил 13 декабрдаги 328-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 12-сон, 98-модда) илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2013 йил 6 февралдаги 30-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 2-сон, 9-модда) илованинг 4-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 9-сон, 64-модда) 1-илованинг 39-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2013 йил 8 октябрдаги 277-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 10-сон, 73-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2015 йил 31 мартдаги 76-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 йил, 3-сон, 23-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига 1-илованинг 29-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 19 январдаги 34-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.